

Мақсадли индикаторлари ижроси юзасидан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-73-сон қарорига мувофиқ **2022 йил якуни бўйича** вазирлик ва идораларда мақсадли индикаторлар бажарилиши аудитдан ўтказилди.

Қарор билан **40 та** (ПФ-269-сон фармон билан қисқартириш ҳисобига 35 та) вазирлик ва идораларга 2022 йилда **547 та** мақсадли индикатор (213 та якуний ва 334 та бевосита натижа бўйича) прогнозини бажариш учун **28,6 трлн сўм** бюджет маблағлари ажратилган.

Мақсадли индикаторларнинг ижроси учун режалаштирилган маблағларга 2022 йил давомида тегишли ўзгартиришлар киритилиши натижасида маблағларнинг аниқланган миқдори **35,5 трлн сўми** ташкил этган ва **32,2 трлн сўми** сарфланган.

Ўтказилган аудит натижаларига кўра, **547 та** мақсадли индикаторлардан **360 таси** (65,8 фоиз) тўлиқ ва **128 таси** (23,3 фоиз) қисман бажарилганлиги ҳамда **59 таси** (10,8 фоиз) **бажарилмаган**лиги аниқланган.

Хусусан, **Соғлиқни сақлаш** вазирлигида **88 та** индикатордан **32 таси** қисман бажарилган, **4 таси** бажарилмаган.

Масалан, 2022 йилда зарур дори воситалар ўз вақтида сотиб олинмаганлиги оқибатида, буйрак ва жигар трансплантацияси жарроҳлик амалиёти ўтказилган 1 823 нафар беморни дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш 20 фоизга бажарилган, холос.

Назорат тадбирларида аниқланган ҳолатлар юзасидан расмийлаштирилган тегишли хужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун Бош прокуратурага юборилди.